Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

№ 151 (646). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ТАЙЖОН ШАҲРИДА ОЧИЛАДИГАН «ЭКСПО–93» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Унда жаҳоннинг 120 мамлакати ва йигирмата халқаро ташкилот қатнашади.

КЎРГАЗМАНИНГ асосий мавзуси «Ривожланишнинг янги йўли» деб аталиши, шунингдек, «Ривожланаётган дунё учун анъанавий ҳамда замонавий фан ва технология», «Жаҳон ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш» каби қўшимча мавзулари мавжудлиги бежиз эмас. Зеро, инсоният йигирма биринчи асрга катта умид билан қараб, кўп хайрли ўзгаришлар кутмоқда. Шулардан энг муҳими ўта ифлосланган ҳаво ва атроф-муҳитни соғломлаштириш муаммосининг муваффақиятли ечимидир.

Тайжон шаҳрининг Тайдок фан марказидан умумий майдони 902 минг квадрат матр бўлган 15 та павильони халқаро кўргазма иштирокчилари ихтиёрига берилган. Бу ердаги Ўзбекистон жумҳурияти кўргазмалар зали мамлакатимиз давлат байроғи, тамғаси билан бошланади. Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги қонун, давлатимизни жаҳондаги 125 та мамлакат таниганлиги, 60 дан зиёд давлат билан дипломатия алоқалари ўрнатилгани, 1992 йил 2 мартдан Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Умумевропа ҳамжамиятига аъзо бўлганлиги, нуфузли халқаро ташкилотлар билан фаол ташқи сиёсат олиб бораётгани зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистоннинг бугунги саноати, хусусан, машҳур пахта териш машиналари, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг товушдан тез учадиган ҳаво лайнерлари билан танишадилар. Мамлакатимиз заминидаги 690 та фойдали қазилмалар конидаги ишлар ҳақида қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқларга ҳам кўргазмада кенг ўрин берилган. Шунингдек, томошабинлар халқ таълими, тизимидаги ўзгаришлар, Ўзбекистон Фанлар академияси олимларининг янги кашфиётларидан воқиф бўладилар. Ўзбек гиламию турфа палаклари, чиннию биллурлари, сополу фаянс идишлари, «Усто» фирмаси усталари сайқал берган ёдгорлик буюмлари ва совғалар «ЭКСПО-93» кўргазмасидан кенг ўрин олган.

Шубҳа йўққи, ушбу халқаро кўргазма шарофати билан Ўзбекистон диёрининг шуҳрати янада ошиб, у билан дўстлашиш, ҳалол ҳамкорлик қилиш истагини билдирган давлатлар сафи янада кенгаяди.

Шаҳрисабз туманидаги Бобоёров номли жамоа хўжалигида Зиёдулло Пирматовни шу пайтгача шунчаки омбор мудири сифатида танишар эди. Яқинда омбор мудирининг «иқтидорлари фош этилди». У ихтирочи экан. Зиёдулло ҳозиргача ўз ҳовлисида йиғиб юрган фойдаланишга яроқсиз деб топилган турли механизм қисмларидан шу кунларда асқотадиган ускуналар ясай бошлади. У қисқа вақт ичида ўз ҳовлисида ун тегирмони, ёғоч қипиғидан уй шифтлари ва ички деворларни пардозлашда ишлатиладиган нақшли плиталар тайёрлайдиган станок, зиғир ёғи чиқарадиган жувоз, гилам тўқиш станоклари ясади.

Хўжалик жамоаси бу йил ўн беш гектар майдонга шоли экиб, Шолидан мўл ҳосил кутилмоқда. Шоли йиғиштириб олингач уни Зиёдулло Пирматов оқлаб беришни ўз бўйнига олди. Ихтирочи обжувозининг қулайлик томони шундаки, уни кўчириб юриш мумкин. Бу эса навбатма-навбат моҳнаткашлар хонадонларига бориб шолини оқлаб бериш имкониятини беради.

СУРАТДА: омборчи-ихтирочи Зиёдулло Пирматов.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

Илмий анжумани иш бошлади

Тошкентдаги Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш институти билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ «Таълимни режалаштириш, инсоннинг имкониятлари ва аҳолининг бандлиги» мавзуига бағишланган халқаро илмий конференция иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири, университет ректори С. Саидқосимов анжуманни очар экан, меҳнат ресурслари ҳамда улардан фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, таълим-тарбияни режалаштириш ва замонавийлаштиришдек минтақамизнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш учун ташриф буюрган меҳмонларга, тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик изҳор этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холид Малик анжумани ишига муваффақият тилади.

Илмий анжуманда қатор хорижий мамлакатлар, Марказий Осиё давлатлари олим ва мутахассислари, республикамиздаги олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларидан вакиллар, илм-фан намояндалари иштирок этишмоқда.

Конференция шу йил 14 августга қадар давом этади.

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ❊ ФАКТЛАР ❊ ВОҚЕАЛАР

БАЙРАМ БОШЛАНДИ

НАМАНГАН. Ҳаваскорлик жамоалари Мустақиллик кунига бағишланган фестивални бошлаб юборишди.

ИШТИРОКЧИЛАР қўшиқ, рақс, мусиқа, саҳна санъатининг турли жанрларида ўз маҳоратларини намойиш этишаяпти. Вилоят кутубхоналарида китобхонлар гурунглари, китоб кўргазмалари ташкил этилади.

ҚУШ ДАСТГОҲ РАЙҲОНА ИЗМИДА

САМАРҚАНД шойи тўқиш бирлашмасида қўли гул ишчилар кўп. 3-тикув цехида меҳнат қилаётган Райҳона Собирова ана шу меҳнат касб эгаларининг бири. У иш пайтида қўш дастгоҳни бемалол бошқариб, ҳам сифатли, ҳам режадагидан ошириб маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

ТИФОН ЧОРВАБОП ЭКИН ЭКАН

НАВБАҲОР. «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигида тифон ўсимлиги ва мойли турпдан мўл ҳосил олинди.

БУ ишга биринчи бўлиб Жамбул номли боғдорчилик давлат хўжалиги агрономи Фахриддин Фармонов қўл урди. Аввалига одамлар бу ишнинг муваффақиятига ишонишмаганди. Шундай бўлса-да, унга экин экиш учун 1,5 гектар ер ажратиб беришди. Тифон экини тупроқ унумдорлигини оширишдан ташқари тўйимли чорва озуқаси экан. У уч марта ўриб олинади. Хўжалик биринчи ўримда гектаридан 500, иккинчисида 400, сўнггисида 300 центнердан ҳосил олди. Турп уруғи таркибида 40 фоиз мой бор экан.

АЪЛОЧИ УҚУВЧИЛАРГА — СТИПЕНДИЯ

ИЗБОСКАН. 11-ўрта мактабнинг 70 йиллиги ишонланди.

ШУ мактабда сабоқ олган олим О. Нуриддинов энг иқтидорли ўқувчига ўз жамғармасидан ҳар ойда 5 минг сўм, М. Ҳамдамов, Т. Умаров, Б. Шокиров, К. Мамажонов, Ҳ. Бегалиевлар аълочиларга ойига 2 минг сўмдан стипендия берадиган бўлишди. Шу куни мактаб жамғармасига Тўрткўл қишлоғидаги «Яхши ният» кичик корхонаси 50 минг сўм, пойафзал фабрикаси 20 минг сўм пул ўтказишди.

ШИША СИНИҒИДАН ВАЗА

ХУЖАЙЛИ туманидаги Ойбек номли жамоа хўжалигида «Конкот» ничик корхонаси қуриб ишга туширилди. Янги корхонада шиша синиқларидан кунига 20 дан зиёд турли ваза ва совға буюмлари тайёрланмоқда. ЎзА мухбири А. Зуфаров уста Омонбой Худойбергановни иш устида суратга туширди.

ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТ КУТМОҚДА

ТЕРМИЗ. Вилоят ҳокимлиги жойларни ободонлаштириш бўйича кўрик-танлов ўтказмоқчи.

ЯҚИНДА шу хусусда қарор қабул қилинди. Айни пайтда қишлоқ, район марказлари, шаҳарлар, маҳалла кўчаларида экилган кўчатларни парваришлаш, кўкаламзорлантириш, озода сақлаш, йўлларни таъмирлаш, ариқчаларни тартибга келтириш сингари юмушлар авжида. Кўрик Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги арафасида якунланади. Совринли ўринлар учун пул мукофоти белгиланди.

ВОҚЕАЛАР

«БУХОРО ҚАЛБИМНИ ЗАБТ ЭТДИ»

Умумхитой халқ вакиллари мажлиси доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Темур Давомат бошчилигидаги делегация аъзолари 1 август куни Бухорода бўлдилар.

Меҳмонлар XVI асрда бунёд этилган савдо чорраҳалари, Амирнинг санъат музейига айлантирилган икки қаватли ғазнаси, Кўкалдош мадрасаси, Нодир девонбеги хонақоҳини бориб кўрдилар, Шарқнинг буюк алломаси Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилдилар. Бухоронинг овозаси етти иқлимга кетган тарихий-меъморчилик обидалари — Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб, Минораи калон, Мир Араб мадрасаси, шаҳарда бунёд этилаётган янги иншоотлар ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдиради.

Делегация раҳбари Темур Давомат ЎзА мухбири билан суҳбатда шундай деди:

— Мурғак ёшлигимдаёқ Бухорои шарифга берилган турли-туман таърифлар қулоғимга чалинганди. Лекин кўз билан кўрган бошқа экан. Бухоро қалбимни забт этди. Биз тезроқ «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашимиз лозим.

* * *

Темур Давомат бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси халқ вакиллари Умумхитой мажлиси делегацияси 3 август куни Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида ўзбек-хитой жамиятининг фаоллари билан учрашди. Уюшма раиси Наим Ғойибов меҳмонларга миллий ассоциация фаолияти, ўзбек-хитой жамиятининг икки мамлакат халқлари биродарлик алоқаларни ривожига қўшаётган ҳиссаси хусусида сўзлаб берди.

Учрашувда таниқли олим ва ёзувчилар, ўзбек-хитой жамиятининг фаоллари иштирок этди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

НАВОИЙДА вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 июлда бўлиб ўтган йиғилишида Республика Президенти Ислом Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Фаолларга Президентимизнинг мазкур йиғилишда сўзлаган нутқи ёзиб олинган видеотасма намойиш этилди. Кун тартибидаги масала хусусида вилоят ҳокими А. Айдарқулов маъруза қилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко сўзга чиқди.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

САМАРҚАНДДА вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими П. Абдурахмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштиришда муайян натижаларга эришилгани, айни вақтда ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмаслиги таъкидланди. Жумладан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш суст амалга оширилмоқда, янги иш ўринларини ташкил этишга етарли эътибор берилмаётир, қўшма ва хусусий корхона эгалари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш чоратадбирлари белгиланди.

* * *

ЖИЗЗАХДА вилоят фаоллари, шаҳар, район ҳокимиятлари, ташкилот ва хўжалик раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда олиб борилган ярим йиллик иш якунлари муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 27 июлда бўлиб ўтган йиғин ҳақидаги видеотасма намойиш этилди. Меҳнаткашларда катта таассурот қолдирган ана шу мажлис қатнашчилари — Мирзачўл ва Дўстлик туманлари ҳокимлари Б. Серикоа ҳамда Қ. Қамбаровлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда республика Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг раиси М. Мирқосимов сўзга чиқди.

А. МАМАРАСУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

ХОРАЗМ вилояти фаолларининг кеча Урганчда бўлиб ўтган йиғилиши вилоят халқ хўжалигини бошқариш соҳасидаги ишларнинг шу йил етти ойи якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг 27 июль куни республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи асосида «Иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Йиғилишда Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқи видеотасвири намойиш этилди.

Республикамиз раҳбарияти ва Президентимизнинг ислоҳотлар борасидаги сиёсати ёрқин истиқбол ва тараққиётнинг асосий омили эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Хусусийлаштириш ва тасарруфдан чиқариш самарадорлигини ошириш, акциядорлар, мулк эгалари, фермер хўжаликлари фаолиятини кучайтириш, уларга ҳар томонлама кўмак ва мадад уюштириш чоралари атрофлича муҳокама этилди. Кадрларнинг янгича ишлай ва фикрлай оладиган авлодини тарбиялаш, сафини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Боқимандалик иллатидан, эскича фаолият кайфиятидан қутилиш, сармасъулият ишларга дадил қўл уриш, омилкорона меҳнат қилиш, ютуқлар қалити, ислоҳотлар жараёнини муваффақиятли ўтказиш гарови эканлиги уқтирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг раиси Б. Алламуродов сўзга чиқди.

Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов фаоллар йиғилишида нутқ сўзлади.

Абдулла СОВИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

СУРХОНДАРЁ вилояти ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлди. Унда иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокама этилди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ана шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқи ёзиб олинган видеотасвирни кўрдилар. Шундан кейин вилоят ҳокими Ж. Норалиев мазкур нутқда Президент баён этган фикрлар асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш масалаларига эътиборни қаратдилар.

(ЎзА).

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА—ТАБИИЙ ГАЗ

Андижон вилоятида қишлоқ меҳнатчилари уйларини газлаштириш ражадагидан уч ой ўзиб бажарилмоқда. Йил бошидан буён вилоятдаги қарийб 17 минг хонадонга табиий газ келди, 110 километрдан ортиқ турли газ қувурлари тармоғи барпо этилди. Йил охиригача вилоятда яна 300 километр газ қувури қуриш ва 30 минг хонадонни газлаштириш назарда тутилган.

— Андижон товарагидаги умумий узунлиги 16 километр бўлган газ тармоқлари қурилмоқда, — дейди «Андижонвилоятгаз»нинг бўлим бошлиғи У. Ҳамзаев. «Ўзбектрансгаз» ва «Ўзбекнафтгаз» концерни буюртмасига биноан Андижон уйсозлик комбинати теграсида иккинчи газ тақсимлаш станцияси қурилади. Қўрғонтепа, Жалолқудуқ ҳамда вилоятдаги бошқа бир қанча туманлар аҳолисини энг қулай ёнилғи билан таъминлашни яхшилаш учун узунлиги 11 километрли Қорасув—Хонобод газ қувури ва «Савай» давлат хўжалигида навбатдаги газ тақсимлаш станцияси қурилиши бошлаб юборилди.

Хуллас, Андижон газчилари материаллар таъминоти бўйича республиканинг бошқа вилоятларидаги касбдошлари каби катта қийинчиликларга дуч келаётган бўлсалар ҳам иш тўхтаб қолгани йўқ. Иш натижаларига қараганда, улар ана шу муаммоларни муваффақиятли ҳал қилмоқдалар.

К. НИЗОМОВ.

Мустақиллик — тақдиримизда

БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Истиқлол Сизнинг тақдиримизда қандай аҳамият касб этмоқда!

2. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангиздан кўнглингиз тўладими!

3. Ўзбекистоннинг келажагини қандай орзу қиласиз!

Наъмат НУРИДДИНОВ,
Марғилон шаҳри, ошпаз;

— Мустақиллик менга ўз ўзимни англашимга, она тилимда бемалол сўзлашиш имконини берди. Бугун биз неки эзгуликнинг бошини тутсак, мустақил республикамизнинг равнақи, халқимизнинг осойишталиги учундир. Етмиш йил давомида пахта қулларига айланган халқ дунёни англамоқда, ўзбек халқини ҳам дунё танимоқда. Бундан қувонмай, ғурурланмай бўладими, ахир.

— Нима десам экан, имкон қадар ҳаракат қилаяпмиз. Ўзбекистон мустақиллигини асраш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Ҳозирда вақтинчалик иқтисодий тангликни бартараф этишга чин юракдан жон қуйдирмаган инсонни ким деб аташ мумкин... Бугун мустақиллик сурури билан сармаст ҳамкасбларимнинг ҳам буюк истиқлолга муносиб ҳисса қўшишларини истайман.

— Ўзбекистон, юртбошимиз таъкидлаганидек, келажаги буюк давлат. Юртимнинг истиқболи порлоқ. Мен бунга ишонаман. Оққан дарё оқмай қолмас. Фақат озгина меҳнатимиздан, оромимиздан кечишимизга тўғри келади. Ҳатто яратган эгам ҳам «Сендан ҳаракат — мендан баракат» деган. Ҳаракат қилсак, яқин ўртада ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишимизга шубҳа йўқ.

• *Муаммолар ва ечимлар*

ХЎШ, КОЛЛЕЖ ЎЗИ НИМА?

Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида сўнгги йилларда бўлиб ўтган катта ўзгаришлар халқ таълими тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мустақил давлатимизда янги дорилфунунлар, институтлар ва бошқа ўқув даргоҳлари пайдо бўлди. Республикамизнинг ўндан ортиқ шаҳар ва туманларида ўрта махсус ўқув юртлари негизида ташкил этилган коллежлар шулар жумласидандир.

Хўш, коллеж ўзи нима? Унинг бошқа ўқув юртларидан фарқи нимада? У халқ таълими тизимида қандай ўрин эгаллайди? Ёки бу навбатдаги ном алмаштиришдан бошқа гап эмасми? Бу саволларга жавоб бериш учун, келинг, аввало, чет эл тажрибасига мурожаат этайлик.

Коллежлар ривожланган Ғарб мамлакатларида, хусусан, Буюк Британияда XIII асрда вужудга келган ўқув юрти бўлиб, ҳозирги пайтда уларнинг уч асосий тури мавжуддир:

1. Олий ўқув юртлари даражасидаги коллежлар.

2. Ўрта ва олий ўқув юртлари ўртасидаги мавқени эгаллаб турган коллежлар.

3. Ўрта мактаб даражасидаги коллежлар.

Олий даражадаги коллежларнинг кўпчилиги йирик университетлар таркибидаги мустақил ихтисослашган ўқув юртларидир. Улар асосан 4 йиллик бўлиб, бакалавр даражасига эга бўлган мутахассислар тайёрлашади.

Иккинчи турдаги коллежлар университетларга бириктирилган, мустақил ихтисослашган ўқув юртлари бўлиб, кичик мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган-дирлар. Уларнинг ўқув режалари ўзлари бириктирилган университетлар билан уйғунлашган бўлиб, коллежни битирувчиларнинг қобилиятлилари шу университетларда таълим олишни давом эттиришлари мумкин.

Учинчи турдаги коллежлар эса талабани ўрта мактаб таълими билан биргаликда малакали ишчи мутахассислиги бўйича мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Янгиер шаҳридаги Мирзачўл коммунал-қурилиш техникуми негизида ташкил этилган қурилиш-иқтисодиёт коллежи республикамизда пайдо бўлган илк коллежлардан биридир. У иккинчи турдаги, яъни ўрта ва олий мактаблар ўртасидаги мавқега эга бўлган ўқув юртидир.

Ушбу билим юртининг ўқув режалари Самарқанд шаҳридаги меъморлик ва қурилиш ҳамда матлубот институтларида ўқитиладиган ихтисосликлар ўқув режаларига мувофиқ бўлиб, ана шу ўқув юртлари муаллимлари иштирокида тузиб чиқилган.

Коллежда режага мувофиқ ўқиш икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқични битирганларга ўз ихтисосликлари бўйича ўрта махсус маълумотли мутахассис малакаси берилса, иккинчи босқични битирганларга кичик муҳандис даражаси берилиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу ишлар коллеж жамоалари олдига янги вазифалар ва муаммоларни қўймоқда. Биз ўзимизнинг озми-кўпми орттирган тажрибамиз ҳамда чет эл тажрибасига таянган ҳолда ана шу муаммолар ҳақида баъзи мулоҳазаларни баён қилишни лозим топдик.

Фикримизча, энг катта муаммо республикамизда коллежларнинг расмий статуси йўқлигидадир. Хўш, коллежлар узлуксиз таълим тизимида қандай ўринни эгаллайди? Уларнинг техникумлардан, институтлардан фарқи нимада? Коллеж битирувчиларининг билим даражаси қандай бўлмоғи керак? Ҳаёт бугун ушбу саволларга аниқ ва равшан жавоб беришни талаб қилмоқда. Кўпгина техникумлар коллежга айланиш тараддудида, коллежлар эса олий ўқув юртига айланиш орзусида. Айни кунда ҳар бир ўқув юртига қўйиладиган талабларни аниқ-тиниқ белгилаб олмасак, махсус ва олий таълим тизимини замон талаблари даражасига кўтара олмаймиз.

Бизнингча, республикамизнинг узлуксиз таълим тизимида коллежларнинг юқорида қайд этилган уч тури учун ҳам жой бўлмоғи лозим. Бу эса таълим формаларини кенгайтириб, имкониятларини янада оширади. Коллежлар ўрта ва олий ўқув юртлари орасидаги бир бўғин бўлиб, баъзи ҳолларда иккала ўқув даргоҳларининг вазифаларини ҳам ўзларида мужассамлаштиришлари мумкин.

Хўш, бу қандай амалга ошади? Маълумки, олий ўқув юртларига фақат ўрта маълумотли кишилар қабул қилинади. Улардан фарқли ўлароқ, коллежлар асосан 9-синф битирувчиларини қабул қилиб, ўқув жараёнини бир неча босқичда олиб боришлари ва турли даражадаги мутахассислар тайёрлашлари мумкин.

Ҳозирги ўқув системамизни ва халқаро таълим тизими тажрибасини ҳисобга олиб, босқичлар сонини тўртта қилиб белгилаш мумкин. Бунда биринчи босқични тугатганлар ўрта маълумот ва малакали ишчи мутахассислигини оладилар. Иккинчи босқични тамомлаганлар кичик мутахассис (ёки тўлиқсиз олий маълумот), тўртинчи босқични тамомлаганлар эса бакалавр малакасига эга бўладилар.

Талабаларни пастки босқичдан юқори босқичга ўтказиш тест-синовлар ёрдамида амалга оширилиши керак. Шунда ўқишга лаёқатли талабалар учун ўз қобилиятларига яраша маълумот олиш имкони яратилиши мумкин.

Албатта, ҳамма коллежлар барча босқичлар бўйича мутахассис тайёрлашлари шарт эмас. Масалан, тўртинчи босқич даражасида мутахассис тайёрлаш учун кўпгина коллежларнинг имконияти етарли бўлмаслиги мумкин. Ўқув жараёнининг бундай босқичларга ажратилиши коллежларни категорияларга бўлиш ва техникумларни ҳам коллеж тизимига киритиш имконини беради. Агар коллеж фақат биринчи ва иккинчи босқич даражасида мутахассис тайёрласа уни ўрта махсус коллеж деб аташ мумкин. Учинчи ва тўртинчи босқич даражасида ҳам мутахассис тайёрлаш имкониятига эгалари олий коллежлар деб аталиши мумкин.

Коллежларнинг бир категориядан иккинчи категорияга ўтиши учун махсус талаблар бажарилиши шарт, жумладан, ўқитувчилар малакаси, моддий база ва ҳоказо.

Шу ерда яна бир масалага тўхталиб ўтмоқ керак. Ўзбекистон Республикасининг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунига мувофиқ давлат ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар эгаллаган ихтисоси бўйича иш билан таъминлаш лозим. Лекин ҳозир республикамизда амал қилинаётган расмий мутахассисликлар тизимида коллежни битирувчилар малакасининг таърифи ва иш вазифалари белгиламаган. Бу яқин келажакда баъзи бир келишмовчиликларга сабаб бўлиши ва коллеж битирувчиларини ишга қабул қилишда тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳукуматимизнинг ушбу соҳага мутасадди бўлган идоралари ана шу масала бўйича ҳозирдан ишни пухта қилишлари лозим.

Коллежларнинг ўқув режаларида ҳам ўзига хос умумийлик бўлмоғи керак. Чунки бир хил категорияли турли коллежни битирган мутахассисларнинг интеллектуал даражаси ўртасида катта фарқ бўлмаслиги керак. Бунинг учун коллежларнинг ўқув режаларида фанларни ўрганишга ажратилган соатлар миқдори баробар ва ўқув дастурлари келишилган бўлмоғи лозим.

Коллежларда ўқув жараёнини ташкил этиш борасида ҳам келишиб олиш зарурдир. Ҳозир бу жараённи ўрта мактаб тизимида ташкил этган маъқулми, ё олий мактаб тизимидами, деган савол кўндаланг турибди. Албатта, иккала системанинг ҳам ўзига яраша афзалликлари ва камчиликлари бор. Бизнингча, коллежнинг биринчи ва иккинчи босқичида ўрта мактаб системасини сақлаб, учинчи ва тўртинчи босқичида эса олий мактаб системасини қабул қилиш керак.

Дарсларни олиб бориш эса кафедралар орқали амалга оширилиши мумкин. Албатта, коллежлардаги кафедралар билан университет ва институтлардаги кафедралар ўртасида маълум тафовут бўлади. Аммо кафедраларнинг ташкил этилиши коллежларда ўқув-методик ва илмий-текшириш ишларини йўлга қўйиш, шу билан биргаликда коллеж ўқитувчилари малакасига бўлган талабни ошириш имконини беради.

Юқорида биз коллежларнинг таълим тизимидаги ўрнига ва вазифаларига доир баъзи фикрларимизни баён қилдик. Албатта, бу фикрлар ҳаммага бирдай маъқул бўлади, деб айтолмаймиз.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги қошида коллежлар бошқармаси ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу бошқарма мутахассислар фикрини ва бугунги кунда фаолият кўрсатаётган коллежлар тажрибасини ўрганиб, керакли расмий ҳужжатларни тайёрлаши ва тасдиқлатиши, ҳамда республикамиздаги коллежлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши керак. Техникумларни коллежларга айлантириш, коллежларга категориялар бериш, уларни олий ўқув юртларига бириктириш масалалари ҳам шу бошқарма қарамоғида бўлиши лозим.

Бундан ташқари республикамизда коллежлар ассоциациясини ташкил этиш пайти ҳам келди. Бу ассоциация коллежлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш имконини бериб, улар олдида турган муаммоларни ечишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Р. ҲОЖИЕВ,
Янгиер қурилиш-иқтисодий коллежининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.
О. ДАВРОНОВ,
техника фанлари номзоди, доцент.

Яқин кунларда улуғ мунажжим, шоир, мусиқашунос, ўзбек халқининг атоқли фарзанди, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тўйи кенг нишонланади. Шу боис юбилей арафасида бобомизнинг қадамжоларини обод қилиш ва қайта таъмирлаш ишлари қизғин бошлаб юборилган.

— Регистондаги Улуғбек мадрасасини таъмирлаш учун 520 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди мазкур даргоҳ директори Рауф Қиличев. — Ҳозирда аниқлаётгимиздаги таниқли усталар астойдил меҳнат қилишаётир.

Бажарилаётган ишлар қамроғи бениҳоя кенг. Шунинг учун самарқандлик усталарга бухоролик, хивалик, қўқонлик ва фарғоналик ҳамкасблари ҳам камарбаста бўлишяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Уста Карим Аблоқулов иш пайтида. 2. Регистон ансамбли масъули Н. Жамолов ва уста С. Аҳмедов.
Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар. (ЎзА).

Жаҳон 24 соат ичида

Россия Федерациясининг Тожикистон Республикасидаги чегара қўшинлари қўмондони генерал-майор Анатолий Чечолин РАТА—ТАСС мухбири билан телефон орқали қилган суҳбатида тожик-афғон чегарасидаги вазият ҳамон ташвишли бўлиб турганини айтди.

Бугун кечаси Панж чегара отряди ҳудудида Россия чегарачилари Афғонистон томонидан бўлган ҳужум ҳаракатини қайтардилар. Қўмондонинг гапига қараганда, ҳужум қилган гуруҳда 15 киши бор эди. Россия чегарачилари қурбон берганлари йўқ.

* * *

Америка Қўшма Штатларига беш кунлик расмий ташриф буюриб, ватанига қайтиб келган Украина ҳарбий делегациясининг раҳбари, мудофаа вазири генерал-полковник Константин Морозов шу сафар натижаларига бағишланган матбуот конференциясида ташриф дастури тўла амалга ошганлигини таъкидлади.

Бундан буён Украина билан АҚШ мудофаа ҳамда ҳарбий ҳамкорлик соҳасида тенг ҳуқуқли асосда мулоқотда бўладилар, — деди Константин Морозов.

* * *

Грузия Республикаси қуролли кучларининг матбуот марказидан РАТА — ТАСС мухбирига хабар қилинишича, 2 август куни соат 16 лаф атрофида Гумиста йўналишида Грузия қўшинларининг марралари томон бораётган 15 жангаридан иборат гуруҳ аниқланди.

Грузия томони агар гуруҳ икки соат ичида тўхтамаса, унга қараб ўт очилади, деб огоҳлантирди.

Бу ҳолатни кузатиб турган уч томонлама назорат гуруҳи кузатувчиларининг сўровига Гудаута томони қониқарли жавоб бермади. Соат 17 лар атрофида бу гуруҳ Грузин қисмлари билан жангга кирди.

Матбуот маркази Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари Абхаз манбаларига асосланиб берган Грузия қўшинларининг ҳужуми тўғрисидаги хабарларни асоссиз, дея рад қилди.

* * *

Шимолий Кавказ демократик кучлари ассамблеясининг ижроия комитети бугун Москвада фавқулодда йиғилиш ўтказишни режалаштирган.

Ассамблея Бош котиби Шмидт Дзоблаевнинг РАТА — ТАСС мухбирига телефон орқали берган хабарида айтилишича, йиғилишда минтақадаги вазият муҳокама қилинади.

* * *

Россия Федерациясининг фавқулодда вазиятлар бўйича давлат комитети раиси, Абхазиядаги вазиятни изга солиш бўйича бирлашган комиссиясининг Россия қисми раҳбари Сергей Шойгу бугун Сочидан Сухумига учиб кетади.

У ерда Абхазияда ўт очишни тўхтатиш бўйича битимларни амалга ошириш мақсадида тузилган тезкор штаб ишини ташкил қилиш ҳамда тинчлик ўрнатувчи халқаро кучларнинг Россия қисмини шакллантириш масалалари муҳокама қилинади.

* * *

Арменпресс ахборот маҳкамасининг Тоғли Қорабоғ республикаси мудофаа кучлари штабидан олган маълумотига қараганда, еттн кунлик муддатга ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимга асосан риоя қилинмоқда.

Аммо, Фузулий шаҳрида жойлашган Озарбойжон ҳарбий базалари томонидан Тоғли Қорабоғнинг Гадрут ва Мартунин туманлари тўпга тутилгани ҳам қайд этилган. Маълумотга қараганда, Фузулий шаҳри ҳам Ағдам шаҳри сингари Озарбойжон Республикаси армиясининг муҳим ҳарбий таянч нуқтасига айлантирилган.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

Хорижнинг машиналари Сурхондарёда

СУРХОНДАРЁНИНГ ҳам хорижий мамлакатлар билан бевосита муносабатлари таомилга айланмоқда. Илгарилари — бундан 3—4 йил бурун чет эл машиналарини телевизорда кўриб ҳайратланиб юрардик. Ҳозир вилоятда Жанубий Корея, Туркия ва Олмониядан келтирилган 20 та автобус ғизиллаб юрибди. Улар ўнқир-чўнқир йўлларда ҳам худди сув устида юргандек кетаверади.

Яқинда эса бу автобусларнинг ёнига Токиядан келтирилган 24 та енгил такси қўшилди. Ҳайдовчилар ҳам, раҳбарлар ҳам бу машиналарни Газ — 24 лардан қолишмайди дейишяпти. Чунки бу хорижлик машиналарнинг чидамлилиги юқори. Бунинг устига ёқилғини ҳаддан ташқари кам сарфлайди. Хуллас, биз кўзга суртадиган 24ларнинг баҳоси ана шундай пайтда билинади.

Т. РАЗЗОҚ.

АҚШ ТАЛАБАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бир неча кундирки, Америкаининг турли штатларидан ташриф буюрган бир гуруҳ талабалар Ўзбекистон билан танишмоқдалар. Ўтган ҳафта АҚШ талабалари Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида бўлдилар.

Улар бу ерда ассоциациянинг халқаро майдонда олиб бораётган ишларидан огоҳ бўлишди. Ўзбекистон Республикаси «ЭКОСАН» жамғармасининг раиси Юсуф Шодиметов меҳмонларга юртимизнинг табиий муҳити, Орол ва Оролбўйи муаммолари ва бу масалаларда жамғарманинг тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Ватанингизга ташриф буюришимиздан мақсад, — дейди АҚШ талабалари гуруҳи бошлиғи П. Яния. — мамлакатингизни кезиб, ёшларнинг ҳаёти, улар амалга ошираётган ишлар, халқ анъаналари, мероси, атроф муҳит муҳофазаси билан танишишдир. Биз саёҳатимиз давомида ахборотлар йиғиш ва тарқатишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмизки, шу орқали икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз деб ўйлайман.

Шу кунларда Америка сафарида юрган ўзбекистонлик талаба ёшлар ташрифига жавоб тариқасида юртимизга келган АҚШ талабалари республикамизда ўн олти кун меҳмон бўлишади. Бу даврда улар халқаро маданий-маърифий алоқаларга боғлиқ ишлар билан танишадилар.

ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ

УМРИМ КАРВОНИДАГИ ЭНГ БАХТЛИ КУН

Инсон ҳаётида унутилмас кунлар жуда кўп бўлади. Уларнинг энг фараҳбахши, қутлуғи — жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришган кунидир.

Яқинда ана шу муборак кунни иккинчи бора нишонлаймиз. Улуғ ниятларимиз йўлида курашиб, унга етолмай кетган авлод-аждодларимиз арвоҳлари ҳам озодлигимиздан тинч ва осуда бўлса не ажаб. Истиқлол пиллапояларини бизга қўйиб бериб кетган боболар руҳини шод этмаклик эса бизнинг фарзандлик бурчимиздир, қолаверса, қарзимиздир.

Ҳали улар учун пойтахтимизнинг қоқ ўртасида забардаст ҳайкаллар тикланишига ишонаман. Бу фарзандларимизга истиқлолни улуғлаш, ундан фахрланиш ҳис-туйғуларини ниҳоятда, уларни мустақилликни кўз қорачиғидек асрашга ундайди.

Бизнинг вазифамиз ҳам ана шундай йигит-қизларни тарбиялаб вояга етказишдир. Шунинг учун мактабимизда Ўзбекистон халқлари тарихи, дин тарихи, Одобнома каби фанлар ўтилаяпти.

Президентимиз биз ўқитувчиларга беҳудага эътибор бераётганларни йўқ. Чунки бола боғча ва мактабдан бошлаб истиқлол маъносини англаб бориши зарур. Биз озодликдан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссига эга бўлсак, уни ҳар қандай бало-қазолардан омон олиб чиқамиз. Зеро, бир куни келиб ана шундай фарзандларни билан ёш Ўзбекистон давлати жаҳонни ўзига қаратишига шубҳам йўқ. Бу муборак мақсад йўлида бир жону бир тан бўлайлик, азизлар.

Н. ФАЙЗИЕВ,
Риждувон туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси.

ЧЕККАДАГИ ЧЕКЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

ЕКИ ЧОРАК АСРДАН СЎНГ ЕНГАН «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Бу қишлоқнинг «таърифтавсифи» ҳақида бадиҳалар битса бўлади. Бир томони шундоқ Марғилонинг ипакчилар шаҳарчасига, иккинчи томони эса Тошлоқ тумани марказига туташиб кетган.

Аммо у маъмурий жиҳатдан Охунбобоев тумани ҳудудига киради. Лекин бу чекка қишлоқни тумандагилар деярли унитишганди. Хассос шоиримиз Эркин Воҳидов тили билан айтганда, бу макон «на шаҳар, на қишлоқ» эди. Ана шундай айрича муносабат туфайли чекликларнинг шундоқ биқинидаги қўшнилари бундан чорак аср илгари «зангори олов»дан фойдаланиша бошлаган эди. Ўша йиллар бу қишлоққа ҳам газ туширишлойиҳа-ҳужжатлари тайёрландию, аммо ўз ҳолига ташлаб қўйилди ва орадан 25 йил ўтгачгина бу тадбир амалга оширилди.

— Қишлоғимизга қанчадан-қанча раҳбарлар, депутатлар келиб, тоғ-тоғ ваъда беришар, лекин сўзларини уддалаша олишмасди, — дейди чеклик Баҳодиржон Қосимов, — Яхшиямки, қишлоғимиз аҳли вилоятимиз ҳокими Мирзажон Исломовни Ўзбекистон халқ депутатлигига лозим кўрди. Шу кишининг саъй-ҳаракатлари билан чорак аср аввал тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари кучга кирди ва бир неча йиллардан бери орзу қилган «зангори олов» кириб келди.

Ушбу хайрли ишни Марғилон шаҳар газлаштириш идораси бажарди. Қишлоқни газлаштиришга кетган маблағнинг деярли ҳаммаси Марғилон шаҳар ҳисобидан қопланди. Қишлоқ ҳонадонларини газлаштириб бергани учун бугунги кунда чекликлар монтажчилар Ҳабибулло Акбаров, Борис Латипов, Иброҳимжон Ҳолматов, Ўринбой Сотволдиев, Тўхтасин Исоқовларга миннатдорчилик билдиришмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 5,5 километр масофага газ қувурлари тортилди.

Табиий газнинг қишлоққа кириб келиши ҳақиқий тўйга айланди. «Зангори олов» ёқилишига бағишланган тантаналарга вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Авазхон Мухторов, Марғилон ҳокими Муқимжон Жўраев, вилоят газлаштириш идораси бошлиғи Нўъмон Отабоевлар ташриф буюришди.

Бу тадбир мустақиллигимиз шарофати туфайли яна бир яхши анъана — шаҳарнинг қишлоққа амалий ёрдами тикланаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Н. СОВИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК УСТУНЛАРИ

Олтмишинчи ва етмишинчи йилларда Қашқадарё вилояти ҳудудида ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш соҳасида талай ишлар бажарилди.

Дастлаб Муборак шаҳри яқинида, Деҳқонободнинг Гумбулоқ майдончасида, Ғузор туманининг бир неча жойида газ ва нефть конларини топилди. Баҳористон ва Муборак туманлари ҳудудидаги газ таркибида олтингугурт борлиги аниқланди. У табиий ва арзон ёқилғи сифатида саноатда ҳам, маиший хизмат учун ҳам зарур. Мутахассисларнинг маслаҳати билан 1972 йили Муборак шаҳрига яқин жойда газ таркибидан олтингугуртни ажратиб оладиган йирик завод қурилди. Бу ерда газни қайта ишлаш ҳисобига шаҳарларга, саноат марказларига тоза газ юбориш, мудофаа, кимё саноати учун кўплаб олтингугурт ҳосил қилиш имкониятлари яратилди. Муборак гази Ўрта Осиё — Марказ бош газ қувури орқали Уралга, Россиянинг марказий шаҳарларига ҳам етиб борди. Айни пайтда газ-олтингугурт заводида ҳар йили 25 миллиард куб метр газни қайта ишлаб, истеъмолчиларга юбориш мумкин бўлаётир.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги қўлга киритиши туфайли газ ва олтингугурт ишлаб чиқаришни кўпайтириш эҳтиёжи туғилди. Биз чет мамлакатларга газ жўнатиш, эвазига зарур механизмлар, дон ва бошқа моллар, маҳсулотлар олишимиз учун ҳам зарур эди. Шунинг учун бу ерда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бобида катта ишлар олиб борилмоқда. Заводда ҳар йили қўшимча равишда 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаб берадиган иккита қурилмалар тизими тикланмоқда. Келгуси йилдан бошлаб Муборакдаги бу улкан корхонада йилига 30 миллиард куб метр газни қайта ишлаш имкониятлари вужудга келтирилади.

Қашқадарё — қазилма бойликлар ватани. Бу ерда газ ва нефтнинг жуда катта заҳиралари манжудлиги мутахассислар томонидан аниқланган ва исботланган. Ғузор туманининг Шўртанг майдонидан топилган газ ана шу катта бойликнинг бир бўлагидир. Бу ерда юзлаб қудуқлардан юқори босимдаги табиий газ отилиб чиқади. Шўртангда газ ва конденсатин тайёрлаб берадиган, жумҳуриятимиз саноат марказлари, шаҳар ва қишлоқларига газ узатадиган йирик тизим бунёд этилган.

Собиқ СССР раҳбарияти Шўртанг гази заҳираларини ҳисобга олиб, ундан узоқ муддат фойдаланишни режалаштириб, текин ёқилғини Ғарбий Европага валютага пуллаб, маҳаллий аҳолини «коммунизм ғоялари» билан лақиллатишни мўлжаллаб қўйганлар. Хайриятки, истиқлолимизнинг қўлга киритилиши бу мўлжалга катта зарба бўлиб урилди, режалар барбод бўлди.

Бу ерда келажакда йирик кимё корхоналари қурилиши ҳам режалаштириб олинаётир. Шоядки, режалар қоғозларда қолиб кетмагай.

Шўртанг газн таркибида жуда катта миқдорда конденсат борлиги аниқланди. Конденсатнинг бир қисмидан иқтидорли муҳандислар ташаббуси билан бунёд этилган конденсатни барқарорлаштирадиган қурилма ёрдамида бензин олинмоқда. Шўртангда ҳозирча жуда кам миқдорда бензин ҳосил қилинмоқда. Лекин олинаётган ёқилғининг ўзи ҳам бу ерда бензин олиш имкониятларининг катталигини исботлаб турибди. Келажакда бу ердан қазиб олинаётган конденсатнинг ҳаммасини бензинга айлантириб берадиган дизель ёқилғиси ишлаб чиқарадиган йирик корхона бунёд этилса, ажаб эмас.

Шўртанг газ конларига яқин жойда, Тошкент—Душанбе темир йўлининг 153-разъездининг ёнгинасида Марказий Осиёда энг йирик Толлимаржон ГРЭСи тикланмоқда. ГРЭС Шўртангдан қувурлар орқали оқиб келадиган арзон табиий ёқилғи билан ҳаракатга келтирилади. Толлимаржон нурхонасида электр қуввати ҳосил қилиб берадиган тўртта блоклар тикланади. Ҳар бир блок 800 минг киловатт-соат қувват ҳосил қилиб бериш имкониятларига эга бўлади. Бу ерда йилига 3,2 миллиард киловатт-соат қувват ҳосил қилинади. Шундай қилиб, Толлимаржон нурхонаси ишга тушиши билан республикамизнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжи тўла қопланади, бу соҳада ҳам мустақиллик таъмин этилади.

Айни пайтда ГРЭС қурилиши жадаллик билан олиб борилаяпти. Қурувчилар, мутахассислар келгуси йили ГРЭСнинг биринчи блокини тиклашга ҳозирлик кўраяптилар. ГРЭС тўла ишга туширилгач, ҳосил қилинган ортиқча электр қувватининг бир қисмини Туркманистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилиш ҳам мумкин экан.

Толлимаржон ГРЭСи бунёд этилаётган 1100 гектарлик улкан қурилиш майдонида ўнлаб иншоотлар қурилмоқда. Нурхонанинг асосий биносини бунёд этиш барчанинг диққат марказида турибди. Бу улкан, инсон ақли бовар қилмайдиган қурилишга ташкилотчи, таниқли муҳандис Абдурасул Бозор етакчилик қилиб, ҳар бир ишнинг ўз вақтида, сифатли поёнига етишини назорат қилиб турибди.

Толлимаржон нурхонасининг қуввати билан Кўкдумалоқ нефть ва газ конларн ҳаракатга келтирилади, нефть ва газ олиш имкониятлари яратилади. Бу ердан қазиб олинадиган нефтни қайта ишлаш заводи ҳам Толлимаржондан узатиб бериладиган электр қуввати ҳисобига ишлайди.

Кўкдумалоқ нефти ҳисобига йилига 5,5 миллион тонна ҳом ашёни қайта ишлайдиган завод қурилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда тайёргарлик ишлари қизғин юборилди. Демак, келгусида нефть маҳсулотлари билан ўзимизни-ўзимиз тўла таъминлай оламиз. Қашқадарё бойликлари бунга кафолат беради. Фақат Кўкдумалоқ конининг ўзи жумҳуриятимизни юз йиллар давомида ёқилғи билан таъминлаб туриш имкониятларига эга экан.

Нўлат ГАДОЕВ.

• *Маҳаллий кенгашларда*

ЎЗИМ ЧИҚҚАН ТЕПА ОМОН БЎЛСА БАС, ДЕЙИШДАН АСРАСИН

Янгийўл туманидаги «Навбаҳор» қишлоқ кенгаши раиси Н. Аширалиев билан бўлган суҳбатимиз ана шу ибораниг маъзи атрофида кечди.

— Назарали ака, аслида фақат ва фақат ўз курсисини ўйлайдиган тоифадаги одамлар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Бироқ ҳозир, бозор муносабатлари кўникмаларини сингдириш қийин кечаётган шароитда, назаримда, бундай кишилар кўпайиб кетмадими?

— Ҳаёт шу даражада мураккабки, одамзод умри давомида кўп яхши ва ёмон кунларни бошидан кечиради. Лекин баъзилар турмушда учраб турадиган озгина қийинчиликларга дош беролмай, тўғри йўлдан чалғиб, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган маънавий тубанлик йўлига кириб қолади. Қандай йўл билан бўлмасин, пайтдан фойдаланиб, манфаатдор бўлиб қолишга, бирни ўнга пуллашга, шахсий бойлик орттиришга уринади.

Қишлоқ кенгаши раиси сифатида ҳудудимиздаги ҳар бир хонадоннинг турмуш тарзини яхши биламан, десам муболаға бўлмайди. Туппа-тузук одамларнинг ўн-ўн беш қоплаб гуруч, ун, бочкалаб мойларни, карак-нокерак қурилиш материалларини, турли ҳил саноат молларини уйларига босиб қўйганларини кўриб, изтиробга тўлиб-тошиб кетасан. Албатта, бундай кишиларга мустақиллигимиз тақдири, инсоф, диёнат мутлақо ёт нарса. Мен уларни гуркураб ўсаётган қовун палаклари орасидаги шумғияларга қиёс қилгим келади. Маълумки, бундай зараркунанда ўтнинг умри қисқа бўлади. Вақти-соати келиб улар юлиб ташланади. Бироқ кишига алам қиладигани шундаки, бундай худбин одамлар биз билан бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олади. Маҳалла тўй-маъракаларида сўзамоллик қилади. Кеча-кундуз ҳалолу пок ишлаб кун кечираётганларни оёғининг учи билан кўрсатади. Бу эса атрофдагиларнинг кайфиятига салбий таъсир ўтказмайди, дейсизми?

— Қишлоқ кенгаши ва унинг фаоллари бундай ҳолларга томошабин бўлиб туришмегандир!

— Шу ўринда мен Президентимизнинг республикада уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида ўтказаётган тадбирларидан халқимизнинг бениҳоя миннатдор бўлаётганлигини айтиб ўтмоқчи эдим. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, бундай кишиларга нисбатан қонун ҳимоячилари аёвсиз кураш олиб боришяпти. Ҳозир бу хусусдаги фактларга тўхталмоқчи эмасман. Депутатларимиз маҳалла-кўйларда аҳолининг осойишталигини сақлаш, уларнинг кўнгилкуйларидан бохабар бўлишда фаол иштирок этишаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Улар меҳнатсиз даромад қилувчи оилаларга ташриф буюришиб, уларни инсофга чақиришмоқда. Бу ишда Мусо Мамараҳимов, Қўлдош ака Рўзиқулов, Абдумалик Султонов, Маҳмуджон Зокиров каби фаолларимиз ва жойлардаги бир вилоят, беш туман, ўттиз нафар қишлоқ кенгашининг депутатлари асосий таянчимиз бўлмоқда. Шу туфайли ҳам маҳаллий кенгаш ўрамида кейинги пайтларда бундай нохуш ҳодисаларнинг кескин камайишига эришдик.

— Айтишларича, сизларда ишсизлар сонини камайтириш борасида қатор юмушлар амалга оширилаётган экан...

— Кенгашимиз ҳудудида 9510 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 4428 нафари меҳнатга лаёқатли кишилар. Уларнинг ҳаммасини қишлоқ кенгаши ҳудудига киредиган битта жамоа хўжалиги, 3-Бўзсув электр станцияси, «Янгийўл» мева-сабзавот давлат хўжалигининг 2-бўлими, 6 та фельдшер-акушерлик пункти, учта мактабда иш ўрни билан таъминлаш қийин. Демак, янги иш жойларини ташкил этиш лозим. Бу — давр тақозоси. Қишлоқ кенгаши ва унинг депутатлари саъй-ҳаракатлари билан яқинда 20 иш ўринли кийим-кечак тикадиган цех ишга туширилди. Шунингдек, янгидан ишга туширилган шлак-бетондан ғишт тайёрлайдиган цех, хом ғишт ишлаб чиқарадиган завод ҳам одамларни кўшимча иш билан таъминлаш имконини берди.

— Мулкни давлат тасаррафидан чиқариш, хусусий мулкчиликни барпо этишда нималар қилиняпти?

— Бу жараён асосан давлат уй-жойларини хусусийлаштириш билан бошланди. Асосан 3-Бўзсув электр станциясида ишловчи ва у ерда яшовчи 60 дан зиёд хонадонларнинг турар жойлари хусусий мулк қилиб берилди. Ҳозирги кунда иккита савдо дўкони хусусийлаштирилди. Аҳоли истеъмол молларига эга бўлган «Улуғбек» савдо корхонаси, битта ошхона, гўшт дўконини шахсий мулк сифатида рўйхатдан ўтказдик. Эндиги навбатда илгаридан ишлаб келган сомсахона, вулканизация (балон ямайдиган) цехларини хусусийлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

— Бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлар доираси тордек туюпмаяптими?

— Ҳақиқатан ҳам мулкчиликка бўлган бу янги муносабатни ривожлантиришда дадиллик етишмаяпти чоғи. Масалан, жамоа хўжаликларидаги чорвачилик фермаларини, баъзи мевали боғларни, ёнилғи-мойлаш таъминоти бўлимларини, ремонт устахоналарини барча техникаси билан, тузилаётган ширкатларни ер майдонлари билан қўркмасдан хусусийлаштириш лозим. Хусусий мулк хусусий-да. Мулк эгаси ўз мулкининг фойдали коэффициентини жуда тез излаб топади. Бу удум ишимизнинг равнақи деган сўз. Мақсадимиз ҳам шу эмасми?

— Қишлоқ кенгашлари иш фаолиятини янада жонлантиришга, сизнингча, нималар тўсқинлик қиляпти?

— Тўсқинлик қиляпти десак, унчалик тўғри бўлмаса керак. Чунки ҳар ҳолда бошқарувнинг ҳокимлик тизими қишлоқ кенгашларига ҳам анча-мунча эркинлик берди. Фикримча, юқоридан кўрсатма берилишини кутиш қон-қонимизга сингиб кетган кўринади. Биз бу қусурдан қанча тез қутулсак, шунча яхши. Ишимизни қонун асосида янада эркин, унга ижодий ёндошиб ташкил этишимиз лозим.

«Халқ сўзи» мухбири Ю. БЕКМУРОДОВ суҳбатлашди.

ОРОЛ ФОЖЕАСИ— ДУНЁ МУАММОСИ

Блумингтон Индиана штатининг серфайз, кўркам ва сўлим шаҳарларидан бири. Бу ерда илмий ҳаёт кеча-ю кундуз қайнайди. Кўчалар, соя-салқин жойлар, емакхоналар талабалар билан тўлган.

1990 йилнинг 22 июль куни Индиана дорилфунунининг мажлислар залида Орол денгизи муаммоларига бағишланган халқаро йиғин ўз ишини бошлади. Ушбу обрўли йиғинда дунёнинг турли бурчакларидан келган олимлар, экологлар, таниқли жамоатарбоблари, турли даражадаги тижорат вакиллари иштирок этдилар. Улар ўзларининг чиқишларида Орол муаммоларига доир шахсий фикрлари ва мулоҳазалари билан фикр олишдилар.

Хорижий олимлар, ишбилармонлар, экологлар бир фикрни тез-тез тилга олиб туришди:

«Орол муаммоларини ижобий ҳал қилиш учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ўзаро келишишлари, умумий тил топиб олишлари керак, фақат ана шу ҳолдагина хорижий эллар бу муҳим ишга бош қўшишлари мумкин».

Бу фикр, бу мулоҳаза, ҳатто айтиш мумкинки, бу талаб, Женевада ҳам, Токиода ҳам, Буэнос-Айресда ҳам, Найробида ҳам ва шунингдек, турли хил халқаро йиғинларда ҳам бир неча бор тилга олинди. Шу муносабат билан иккита воқеани тилга олиб ўтиш жоиздир.

Биринчиси, қозоқ олимларининг тасодифий равишда топиб олишган харитаси масаласидир. Орол муаммолари билан шуғулланувчи жуғрофия фани архив ҳужжатлари ичидан 1962 йили чизилган ва Москвада нашр қилинган харитани топиб олишади. Унда Оролнинг суви, майдони, ҳайвонот олами ҳақида маълумотлар берилган ва астасекин уни қуритиш таасиялари илова қилинган. Ушбу тавсияларда Орол денгизи қуриб битгач, унинг ўрнига шоли ва пахта экиш режалари батафсил ҳикоя қилинган.

Маълум бўлишича, Марказ ўзининг ушбу режасини Оролбўйи минтақасида жойлашган республикаларнинг раҳбарларидан ҳам «сир» тутган экан.

Шу ўринда яна бир фактни тилга олмай ўтиш мумкин эмас. Шахсан И. Сталининг топшириғи билан 1929 йили муҳандис Зиновьев бошчилигида бир гуруҳ сув хўжалиги ходимлари Туркистонга келишади. Улар сув иншоотлари ва пахта етиштириш имкониятлари билан қизиқади ва шу ҳақда Марказ учун маълумотлар тўплайди. Марказнинг вакиллари ўз хулосаларидан кўпроқ пахта етиштириш учун Орол денгизини қуритиб битириш зарурлигини асослашга ҳаракат қилишган.

Иккинчи воқеа эса 1990 йилнинг ноябрь ойи ўрталарида рўй берди.

Собиқ СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Догужевнинг топшириғи билан Нукусга бир гуруҳ экспертлар учиб келишди. Улар ҳукумат комиссияси раисининг Қорақалпоғистон Республикасига келишидан олдин Орол муаммоларини ўрганиши, Оролбўйи атрофида истиқомат қилаётган аҳолининг ҳаёти билан яқиндан танишиши лозим эди. Экспертлар гуруҳига республика раҳбарлари ҳамда тошкентлик, нукуслик мутахассислар ҳам қўшилдилар. Улар орасида мен ҳама бор эдим.

Экспертлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳоз қилинган махсус самолёт-га ўтириб, Орол денгизи томон йўл олишди. Бир ярим соат давомида Устюрт пасттекислигининг бир қисми кўздан кечирилди, сўнгра «Тикланиш» ва «Комсомол» оролларини томон йўл олинди. Орадан йигирма минут ўтар-ўтмас орқага қайтишга мажбур бўлдик.

Бу воқеани тилга олишдан мақсад шуки, собиқ Марказ Орол ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни наинки, хорижий давлатларнинг вакилларидан, зарур бўлса, ўзининг содиқ фуқароларидан ҳам сир тутар эди.

1989 йили КПСС Марказий қўмитасининг котиби Е. Лигачев Орол бўйи муаммолари билан танишиш мақсадида Нукусга келди ва у ерда партия-хўжалик фаоллари билан кенгаш ўтказди. Унда Марказнинг вакиллари «Оролни, албатта, асраб қоламиз, бу ҳақда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ» деб ваъда беришди. Аммо ушбу йиғилишда Е. Лигачевнинг ҳамроҳларидан бири, СССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг раиси Ф. Моргун сўзга чиқиб «Орол фожеасининг бош айбдори — онги, савияси паст бўлган ўзбек, қорақалпоқ халқларидир» деган фикрни уялмай-нетмай айтди.

Ф. Моргуннинг ушбу фикри йиғилиш қатнашчиларининг норозилигига сабаб бўлди. Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасининг раиси Т. Қаипбергенов КПСС Марказий Қўмитасининг котибига қарата «Мен Ф. Моргуннинг фикрларига қўшилмайман, Оролбўйи халқларини ҳақорат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!», деб айтганда Е. Лигачев пинагини ҳам бузмади.

Тақдирнинг ўйинини қарангки, собиқ СССР парчаланиб кетди. Шу билан бирга унинг сув муаммолари билан шуғулланувчи махсус идоралари ҳам изсиз йўқолди. Натижада ҳар бир идора, ташкилот, вазирлик Орол муаммолари билан «ўз билганича» шуғуллана бошладилар. Бу хилдаги муассасалар Марказий Осиё республикаларининг барчасида мавжуд эди. Уларнинг кучлари, саъй-ҳаракатларини бирлаштирмай туриб, Оролни асраш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Яна бунинг устига Оролни асрашнинг ягона дастури йўқлиги, ҳорижий давлатлар, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан умумий тил топа олмаслик ҳам ишнинг белига тепарди. Орол муаммоси фақат Марказий Осиё давлатларининг «шахсий иши»гина бўлиб қолмай, бу умуминсоний фожеа, умуминсоний дард эканлиги расмий равишда тан олиниши зарур эди.

Ваҳоланки, шу кунга қадар Орол муаммоларига бағишланган уч юзга яқин йиғилиш, давра гурунги, семинарлар, халқаро симпозиумлар бўлиб ўтди, уларда бирибиридан муҳим қарорлар, мурожаатномалар, ундовлар қабул қилинди. Ўша йиғинларда уч юз йигирма тўққизта илмий лойиҳа тилга олинди, уларнинг ҳар бирида Оролни асрашнинг турли хил йўллари ўртага ташланди. Улар орасида собиқ СССР Фанлари академияси ва СССР табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Оролни сақлаш ва тиклаш, Орол бўйида экологик, санитария-гигиена, медико-биологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормаллаштириш» деб номланган лойиҳаси ҳам бор эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит билан шуғулланувчи ташкилоти бўлган ЮНЕПнинг мутахассислари 1992 йилнинг июль ойида «Оролни асрашнинг илмий ҳаракат дастури»ни ишлаб чиқдилар. Японияда халқаро Орол жамғармаси тузилди. Швед олимлари ҳам Орол муамоларини ижобий ҳал қилиш ниятида астойдил иш бошлаб юбордилар.

Орол муаммолари бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни, асосан, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси, Орол муаммоларини ижобий ҳал қилиш учун Марказий Осиё давлатларининг ички имкониятларидан фойдаланиш масаласи. Иккинчиси, Оролни асрашнинг ягона йўли сифатида четдан сув олиб келиш имкониятларини излашдир.

Тўғри, ҳар иккала қарашларнинг ўзига хос ютуқлари ва нуқсонлари мавжуд. Ҳозир бу хилдаги қарашлар ҳақида батафсил сўз юритишнинг имкони йўқ. Аммо, бир нарсани очиқ айтиш мумкинки, тилга олинган концепцияларда нимаики эътиборга лойиқ фикр, мулоҳаза бўлса, уларнинг барчасини эринмай ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Мисол учун Орол—Каспий денгизи икки метр юқорига кўтарилди, юксалиш жараёни давомли кечмоқда. Сўнгги юксалиш тропосферадаги совуқдан бўлиши мумкин. Бу кетишда 2020 йилга борib, денгиз яна 5 метрга кўтарилади. Бу юксалиш бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, Озарбайжоннинг 1000 квадрат километр майдонга эга қирғоқлари сув остида қолди. Ланкарон ва Жалилобод вилоятларининг қишлоқларини сув босди, темир йўл, тош йўл, дала ҳовли ва дам олиш марказлари зарар кўрди. Туркманистон соҳилларидаги аҳвол эса бундан ҳам ёмон.

Сув кўтарилиши атроф-муҳитга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Давлатлар бу ишга эътибор берсагина фалокатларнинг олдини олиш мумкин».

Бу ва шунга ўхшаш долзарб, муаммоларни жиддий ўрганишнинг айни пайти келди.

Инсоф билан айтиш керакки, Орол муаммоларини ҳал қилишда Марказий Осиё давлатларининг сув масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлари ҳам қўл қовуштириб қараб ўтирганлари йўқ. Улар гоҳ Тошкентда, гоҳ Олмаотада, гоҳ Ашгабатда, гоҳ Бишкекда, гоҳ Нукусда, гоҳ Қизил-Ўрдада йиғилишиб, ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар туздилар. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бу битимларнинг аксарияти бесамара бўлиб чиқди. Гап шундаки, саксонинчи йилларнинг охирлари, тўқсонинчи йилларнинг бошларида аниқ илмий дастурнинг йўқлиги, сармоянинг етишмаслиги, баъзи раҳбарларнинг бу муаммолардан четда туришлари масалани бироз чигаллаштириб қўйди. Айниқса, сармоя масаласи барчанинг бошини қотирди. Шу сабабли жамоатчилик вакиллари орасида халқаро Оролни асраш банки тузиш ғояси илгари сурилди. Бу масалада халқаро Орол банкининг вакилларига бир неча марта мурожаат қилинди. Ва натижада 1992 йилнинг 7—30 сентябрь кунлари Халқаро Банкнинг нуфузли вакиллари Орол муаммолари билан яқиндан танишиш мақсадида Марказий Осиё давлатларига ташриф буюришди. Улар, биринчи навбатда Орол денгизи билан танишдилар, шунингдек, Ургенч, Бухоро, Тошовуз, Қизил-Ўрда, Нукус, Фарғона шаҳарларини бориб кўришди. Қоракум каналини кўздан кечиришди, ернинг, сувнинг, ҳавонинг таркибини обдон ўрганиб чиқишди.

Халқаро Банкнинг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида ўзаро ёрдам масалалари кенг муҳокама қилинди.

— Биз, — дея сўз бошлади халқаро Банкнинг нуфузли вакилларидан бири, — Орол муаммоларининг ижобий равишда ҳал бўлиши тарафдоримиз.

Орол муаммоларини ҳал қилишда ҳамкорлик қилиш масаласи Марказий Осиё раҳбарларининг олий йиғилишларида бир неча марта тилга олинди ва фақат 1993 йилнинг январь ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида жиддий қилиб қўйилди. Муаммони чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш учун экспертлар гуруҳи тузилди. 1993 йилнинг 26 мартида Қозоғистон Республикасининг Қизил-Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммоларига бағишланган тарихий анжумани бўлиб ўтди.

Мен шу ўринда анжуман иштирокчиси сифатида битимни имзолаш чоғида айтилган айрим фикрларни тилга олиб ўтишни лозим, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: «Мен тўла ишонч билан айтоламанки, бугунги кун Марказий Осиё тарихида унутилмас кун бўлиб қолади. Эндиликда Марказий Осиё давлатлари Орол муаммоларини ҳал қилиш учун биргаликда ҳаракат қилишади. Орол бу фақат Марказий Осиё давлатларининггина муаммоси эмас, бу бутун дунё муаммоси ҳамдир. Бас шундай экан, Орол муаммосини ижобий ҳал қилиш учун барчаё тараққийпарвар кучлар билан тил топишимиз ва шу тариқа келажак авлодлар олдидаги ўзимизнинг инсоний бурчимизни бажаришимиз керак».

Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев:

«Қизил-Урда битимини имзолаш осон кечганн йўқ. Бу битимни имзолаш учун энг аввало Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари умумий тил топишлари керак эди. Шу йилнинг январь ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда ана шу тарихий битимни имзолаш учун асос солинди. Мен бир нарсани аниқ ишонч билан айтоламан. Орол денгизини асраб қолиш учун Марказий Осиё республикаларининг давлат бошлиқлари ўзларининг куч-қуввати ва имкониятларини аямайдилар».

Ҳар иккала Президентнинг айтган сўзларига биронта янги гап қўшишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Такрор-такрор айтиш мумкинки, Қизил-Ўрда шаҳрида қабул қилинган ҳужжатлар жуда катта ижтимоий-сиёсий ва тарихий аҳамиятга моликдир.

Ҳа, дарвоқе, шу кунга қадар Орол ва аҳолининг ўсиши муаммолари энг кам ўрганилган масалалардан биридир. Бу масалада аниқ бир позицияда турмай, Орол муаммоси ҳақида сўз юритиш қийин. Гап шундаки, Марказнинг топшириғи билан Орол муаммоси билан шуғулланувчи айрим мутахассислар оилаларда болалар туғилишини планлаштирмай туриб, экология масалаларини ижобий ҳал қилиш мумкин эмас, деган ғояни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, демография масалалари ижобий равишда ҳал қилинмаса, 2000 йилда республика аҳолиси 26 миллионга, 2005 йилда 29 миллион 602 минг кишига, 2010 йили 32 миллион кишига етади. «Бас, шундай экан, — дейишди улар, — оилада болалар тўғилишини режалаштириш керак?!».

Бу масала, агар янглишмасам, 80 йиллари ҳам Марказнинг ташаббуси билан кўтарилган, турли хил шов-шувлар, жанжалларга сабаб бўлган эди.

Оилани планлаштириш керакми ёки йўқми? Аёл киши қанча туғиши керак? Иккитами ёки учта? Масалани ана шу тарзда қўйиш, бизнинг фикримизча, тўғри эмас.

Ахир оналар ва оталар соғлиғини тикламай туриб, фарзандлар сонини режалаштириш ҳақида сўз юритиш гуноҳ-ку.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ.

ИШОНАМИЗКИ, АБДУСАЛОМОВА ОИЛАСИ ЧОДИРДАН ЧИҚАДИ

ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ ҲОКИМИ ДИҚҚАТИГА!

Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани Жума шаҳрида истиқомат қилувчи муаллима Муҳаббат Абдусаломованинг оиласи бошига мусибат тушди — унинг уйи ёниб кетди. Фалокат оёқ остида деб шуни айтадилар-да. Ўт балоси мақсудсиз ҳодиса, албатта. Ҳар бандаи мўминни бундай кулфатлардан Худонинг ўзи асрасин. Бироқ, начора... Кўнгли ўксик М. Абдусаломова макон илинжида турли идоралар эшигига бош урмоқда. У саховатга, мурувватга муҳтож. Пастдарғомда эса унинг дардини, ҳасратини тинглайдиган мардум йўқ эмиш.

«Мен, Муҳаббат Абдусаломова 21 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келяпман. 1992 йил 27 ноябрда уйим тўсатдан ёниб кетди. Ўт ўчирувчи машиналар сувсиз келганлиги учун ёнгинни ўчиролмадилар. Оқибатда уй жиҳозларимнинг ҳаммаси ёниб кул бўлди. Ҳозирча ҳовлимда чодир қуриб, тўрт болам билан яшаб келяпман».

М. Абдусаломованинг арзномасидан.

Бу жабрдийда муштипар аёл турмушини тасаввур қилиш учун Пастдарғомга бориб келиш шарт эмас. Мактубнинг ўзидан аҳвол кундек равшан. Қолаверса, ёлғиз аёлга ёрдам бермаганлиги учун бирорта масъул раҳбарни қонуний ёки маъмурий айбдор қилиб кўрсатиб бўлмайди. Лекин масалага маънавий жиҳатдан ёндошсак, пастдарғомлик имони бутун мансабдорларнинг озми-кўпми айбдорлиги сезилади. Тўғри, улар мазкур «арзимас иш» учун мансабдан олиб ташланмайди, буни мутасаддилар яхши билишади. Эҳтимол, шу боис ҳам туман ҳокимлиги раҳбарияти уйи ёнган аёл масаласига панжа орасидан қараб келаётгандир.

Ҳоким — юртнинг отаси, у ўз фуқароларини фарзандларидан кам кўрмаслиги лозим. Дейлик, бирор мухбир қайсидир туман ҳақида мақтовли мақола ёзса ютуқларни албатта ҳоким номи билан боғлайди. Чунки, туманнинг ютуғи ҳокимники, ҳокимнинг меҳнати эса ўз халқига бағишланган бўлади. Бир аёл бўйи етган қизи ва нораси-да болалари билан уйсиз қолди. Бу фалокатнинг айбдори — ўт балосн. Хўш, бошига кулфат тушган хонадон тақдирига ҳокимликнинг маънавий алоқаси борми? Ахир, у шу туманнинг фуқароси-ку.

Самарқанднинг катта-катта ишлаб чиқариш корхоналаридан баъзилари шу туман ҳудудида жойлашган экан. Салмоқли даромадлар орттираётган корхоналар хайр-саховатни, оталиққа олишни инкор этишмаса керак.

Озод кунларга етиб қўнгиллар фараҳга тўлди, ишбилармонларга йўл очилди, диндорларга эркинлик берилди. Атрофга назар ташласангиз ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида кўплаб мактабу шифохоналар бинолари талаб даражасида эмаслигини кўрасиз. Обрўталаб кимсалар эса масжидлар қуришмоқда, марказий кўчаларни безашмоқда, пештоқлари ганчли дўконлар тиклашяпти. (Тўғри, бўлар ҳам керак). Уларни кўриб, эшитиб, хайрия-ю саховатнинг, савобнинг асл моҳиятини ўзгача талқин қилмаяпмизми, деб ўйлаб қоламан гоҳи.

Очиғи, Жума шаҳри иқтисодий қийинчилик оқибатидами, олдингн кўркини, файзини йўқотаёзибди. Мен шаҳарни айланиб шундай хулосага келдим (илгари ҳам бу шаҳарда бир неча бор бўлганман). Лекин вақтинчалик иқтисодий қийинчилик туманнинг бир муаллима аёли уйини тиклаб бермасликка сабаб бўлолмайди. Пастдарғомда инсонпарвар, халқ ғамини чекадиган, раҳмдил одамлар борлигига ишончим комил. Бирор корхона ёки ташкилот уйни тиклаб беришни оталиққа олар...

Уй ёниб, беш жон уйсиз қолди. Қонуний айбдорлар йўқ. Маънавий айбдорлар эса бор. Улар... улар эиди М. Абдусаломованинг уйини тиклаш ишларида бош-қош бўлишар эҳтимол. Эҳтимол, унга ёрдам беришган-у, оиа ношукрлик қилаётгандир...

Ҳадемай қиш келади, муаллима аёлнинг кўнглида эса ҳамон муз эриган эмас. Мақолани тугатар эканман, дилимдан бир ўй кечади, бу аёл қишга қадар фаровон кунларга етишармикин? Пастдарғомлик раҳбарлар инсонни ардоқлайдилар, уни ташлаб қўймайдилар, деган умилдамиз.

Тоҳир ДОЛИ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

• *Саховат*

ШИФОКОРЛАР ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Орол фожиасидан жабр кўрган беморларга ёрдам жамғармаси ташкил этилди.

— Экологик ҳалокат зонасида яшаётган халқимиз орасида бугунги кунда ҳар хил касалликлар сони тобора кўпаймоқда. Уларнинг баъзиларини ўзимизда даволаш имконияти йўқ. Шунинг учун уларни Москва, Киев, Санкт-Петербург, Новосибирск каби шаҳарларда даволашга тўғри келмоқда. Мазкур жамғарманинг асосий мақсади ҳам ана шунга қаратилгандир, — дейди Республика соғлиқни сақлаш вазири Турсунбой Эшжонов.

Қорақалпоғистонлик барча тиббиёт ходимлари яхши бир ташаббус билан чиқдилар. Уларнинг ҳар бири ўзларининг бир кунлик иш ҳақини жамғарма ҳисобига ўтказишга аҳд қилдилар. Натижада жамғарма ҳисобига 3 миллион сўмдан зиёд маблағ келиб тушадиган бўлди.

М. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КАСБИ ТУМАНИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИШЛОҚ ҲОВУЗДАН СУВ ИЧАДИ

ТАЛИШБЕ қишлоғи Самарқандаги 1000 кўб сув сиғадиган ҳовуз қурилиши бошланди. Ҳавза битгандан кейин аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси узил-кесил ҳал этилади.

ДАВОЛАШ МАСКАНИ

ТУРҒУНЛИК йилларида «Талишбе» давлат хўжалигига маъмурий идора бинои қурилган эди. Кейинчалик хўжалик тугатилди. Ҳувиллаб ётган бинода 25 ўринли даволаш маскани иш бошлайди. Бинони таъмирлаш учун хўжалик 5 миллион сўм ажратди. Бундан ташқари кундузги стационар очиш режалаштирилди.

Жўра ЮСУПОВ.

НАМАНГАНЛИКЛАРНИНГ БАЙРАМ ҲАШАРИ

Наманган вилояти аҳолиси Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги шарафига ҳашар ўтказишга қарор қилди. Бу умумхалқ меҳнат байрами 14 август кунига белгиланган.

Шу куни шаҳарларнинг марказий кўчалари, боғлар, хиёбонлар, маҳаллалар ва қишлоқлар янада обод ва кўркам бўлади. Саноат корхоналари жамоалари ҳам фаоллик билан ишлайдилар — ҳашар куни миллионлаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ҳашардан тушган маблағнинг асосий қисми ижтимоий эҳтиёжларни қондириш — шаҳар ва қишлоқларни ичимлик сув, табиий газ билан таъминлашга сарфланади. Шунингдек, муҳтож оилаларга моддий ёрдам ҳам берилади.

ЯНГИ ШОЙИ ТЎҚИШ ЦЕХЛАРИ

Андижонда саноат-савдо концернининг Шаҳрихондаги шойи тўқиш фабрикасида иккита янги цех барпо қилинди. Бу цехларнинг кенг биноларда ипак ўраш ва пишитиш жиҳозлари ўрнатилди.

Собиқ вилоят маҳаллий саноат бошқармасига қарашли бу корхонанинг доимий ранишда ипак толаси етказиб берувчиларга тобелиги хон атлас ва бошқа шойи матоларни ишлаб чиқаришни мўътадиллаштиришнинг ички имкониятларини қидириб топишга мажбур қилди. Янги цехлар ишга тушиши билан бу ерда йилига 320 тонна ипак қайта ишланади, юз тонна шойи толаси ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулот фабриканинг ҳамда унинг Шаҳрихон қишлоқларидаги филиалларининг эҳтиёжини қондириш учун етарлидир. Фабрика ва унинг филиалларида 800 дан ошиқ киши ишлайди. Бош корхонанинг янги цехларида яна 650 ишчи ўрни очилади. Бу цехларни ишга туширишни тезлатишда Фарғона, Қўқон, Тошкент, Наманган ва Андижондан келган мутахассислар ёрдам беришмоқда.

Ҳамроқул РИЗО

ҚИШЛОҚДОШЛАРГА МАКТУБ

Эртак айтардингиз мунис онажон,
Оламни оқ сутга чайганида ой.
Мен томон талпиниб турибди ҳамон,
Тут баргни бошига қўйган Ҳурсаной.
Ҳануз мен томонга талпинар шошиб,
Тоғлар кўчкисидан қочган кийиклар.
Таранглашиб борар тутганда жўшиб,
Полвонлар белида боғлиқ қийиқлар.
Шундай дам ташвишдан йироқ кетаман,
Семурғ достонин ўргатган она.
Донолар ҳикматин дилга битаман:
«Қуёшмас, шамдондан куяр парвона!»
Қаранг, майса ичра рақс этар ҳислар,
Лалми қурбақалар сайрагани да.
Йигитларни зимдан кузатар қизлар,
Диллар ишқ шавқидан яйраганида.
Биламан, ой уфққа кетганда оғиб,
Бошни пат ичига олади ғозлар.
Шеър ёзсам, шаҳарда даштни соғиниб,
Коним снёҳ қилиб ичар қоғозлар.

Шу қоғоз устига келиб қўнади,
Пичоғу ҳанжарлар ҳатто тузгача.
Юракнинг тўрида гулдай унади,
Ҳисларим — кўкламу иссиқ ёзгача.
Билсанг, отажоним урушга бир кун —
Кетганди, елкага халтасин осиб.
Онамнинг кўнглида тугулиб тугун,
Қолганди руҳини оғир тош босиб.

Бир кун шом кирганда жон берди отам,
Шунда шамолларинг тахир туйилди.
Ҳушёр тортдим, онам тутганда мотам,
Шу кундан яшамоқ оғир туйилди.

Ҳорғинлиқ аталган азоб излари
Мангалайимга чандиқ бўлиб кўчдилар,
Серсақол Кўчимнинг қора қизлари
Келин бўлиб, Зомин томон учдилар.
Такрор айтай, дилга қўр бўлиб кирган
Дон ташиб, тинмаган қумурсқаларинг.
Шеърий тўқинларга нур бўлиб кирган,
Қишлоқ донолари — қамсуқмаларинг.
Зулукдай қорадир Нурқулининг қоши,
Умри ўтган хушбўй полизларида.
Сомон йўлларига етай дер, боши,
Беда ғарамласа нақ ёзларида.
Бунда Шодмон чўлоқ кўзларин қисиб,
Кайф қилгувчи носин отиб олади.
Бунда бешафқат ёз қулочин ёзиб,
Поёнсиз далага ётиб олади.
Тарвақайлаб ўсган бақатераклар,
Ўтган кунлар завқин сўйлайди маъюс.
Кўнгилга қанотдир — орзу тилаклар,
Йўлларин чироқмас, ёритади ҳис.
Гарчанд, шоирнин севиб, суяди,
Қишлоқда шеърларга тўлган ҳар дафтар.
Бунда илонларнинг кўзин ўяди,
Қанотлари яшил бешиктерватар.

Зотан, уйда сўйсанг, бир чинин тарвуз,
«Раҳмат,отажон!», — дер, жўжиқлар барн.
Босволди лаззатин олдида ожиз.
Куба қамишнинг оппоқ шакари.
Вақт келгач, қишлоқдан кетдим олисга,
Шаҳар юрагимни олди кафтига.
Оқшомлар боқаман сонсиз юлдузга,
Лек улар тафт бермас юрак тафтига.
Шеър битиб, айтганман: «Бармоғим ичра
Қора қаламларнинг изи қотгандир.
Ажабо, ўттиз йил думоғим ичра
Босмахона мойин иси қотгандир».
Оёқ яланг чопиб чангли кўчада
Шамолдан ўзмоққа шай бўлган ўзим.
Бугун эса, кўҳна Тошкент ичида
Жигарбағри ўйиқ най бўлган ўзим.
Қишлоғим, барн бир бағрингга келдим,
Чунки сенда ўтган дам тотли бўлган.
Сени ой ёнида юлдуз деб, билдим,
Сен билан ўтгувчи ғам тотли бўлган.
Оқиб кетолмадим, сой узоқ эди,
Таробий ўйини ўйлаган қишлоқ.
Учиб кетолмадим, ой узоқ эди,
Фаробий куйини куйлаган қишлоқ.
Кули битган бургут панжа уролмас,
Олдига какликни келтириб қўйсанг.
Қишлоқнинг тонги ҳам ором беролмас,
Ўстирган болангдан пушаймон бўлсанг.
Бугун бўғзинггача ботдингми қарзга,
Темир, ёқилғининг баланд нархидан?
Бу ҳолат солмасин қалбингга ларза,
Бу ҳол вақтинчалик тушар шахтидан.
Бир замон Сталин айлагач қаҳр,
Фронт учун бердинг сўнгги ионингни,
Азобу нафратга тўлганда бағир,
Яп-роқдай титратдинг увол жонингни.
Оқибат, кун келиб, бугдой яшнади,
Ўзлаштирганингда қолган қуриқни.
Билсанг, мустақиллик олиб ташлади,
Бўйнингга ортилган бўйинтириқни.
Собиқ СССРни боққан бу замин
Голланд тупроғидан саховатсизми?
Кулоч ёзиб кетмон ургувчи деҳқон,
Голланд деҳқонидан маҳоратсизми?
Йўқ, ерга етишмас бизларда меҳр,
Етишмас инсоний севги, муҳаббат.
Тан қолдирар ярим дунёни охир,
Шу ерга кўрсатсак эҳтиром, шафқат.
Қушларнинг лочини боқар юлдўздек,
Бепоён водийга туриб қояда.
Бир-бирига меҳр кўрсатар ўзбек,
Қўлин-қўлга бериб ёруғ дунёда.
Заҳматкаш қишлоқдош дилига бугун,
Меҳр уруғлари сочилаётир.
Ҳур Ўзбекистоннинг яшнаши учун
Иқбол дарвозаси очилаётир.

Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 2-шифохонасида беморлар меҳрини қозонган олийҳиммат шифокорлар талайгина. Жумладан, асаб касалликлари бўлими мудири, биринчи тоифали врач Гулюзра Аъзамхўжаева ҳамда Наталья Анларинг муолажа усуллари таҳсинга лойиқ. Таъбир жоиз бўлса, улар беморларни ширин сўз билан даволашади. Бу ерда дардига шифо топган кишилар эса уларнинг ҳаққига дуо қилиб чиқиб кетишади. Зеро, «олтин олма, дуо ол» деган мақолда ҳикмат кўп.

СУРАТДА: Гулюзра Аъзамхўжаева (ўнгда) ва Наталья Ан рентген тасмасига туширилган беморнинг хаста аъзосини кўздан кечиришмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ВАЛЮТА ҲИСОБЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

NBU

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Visa International тизимининг 150 дан ортиқ мамлакатда нақд пулсиз ҳисобларни амалга оширишимконини берувчи пластик карточкаларини олиш истагидаги валюта ҳисоблари эгаларини рўйхатдан ўтказади.

Алоқа учун телефон: 33-90-96 (соат 9.00 дан 12.00 гача)

VISA

Екатеринбург шаҳридаги Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Свердловск вилоят бўлимининг "ОПЫТ" бирлашмаси

СОЮЗ ВЕТЕРАНОВ АФГАНИСТАНА "ОПЫТ"

Сизга ўз маҳсулотларингизни сотиш учун қулай имконият яратиб беради:

- рэкетдан 100 % ҳавфсизликни таъминлашга кафолат берилади;
- ҳамма қулайликлари билан меҳмонхоналар;
- омбор бинолари;
- амалий ва маданий ташрифлар учун автотранспорт ажратилади;
- ваколатхона хизматлари кўрсатилади;
- катта юк машиналари учун тўхташ жойи тайёрланади;
- маҳсулотлар учун ҳаклар 3 кун ичида нақд тўланади.

Буларнинг ҳаммаси маҳсулотларингизнинг Екатеринбург бозорида сотилган нархининг 15 % ҳисобига.
Бизга дархол қўнғироқ қилинг, бизда Урал бозорларидаги нархлар тўғрисидаги кундалик маълумотлар бор.

Алоқа телефонлари: 8(3432) 57-18-16, 51-91-08, 51-65-04
Тошкентдаги ваколатхонамиз: Қўйлик массиви-2, 3а-уй. Телефон: 90-23-93

БОЛАЛАР

БОШИНИ СИЛАШДИ

БУХОРО шаҳар ҳокимияти ҳомий ташкилотлар билан биргаликда васийлар қўлида тарбияланаётган 170 етим номига 2 минг сўмдан ҳисоб дафтарчаси очиб, эгаларига топширди.

Болалар уйида тарбияланаётган етим болаларга ҳам минг сўмдан пул ўтказилган шундай ҳисоб дафтарчалари тақдим этилди. Бундан ташқари 40 ногирон болага ғилдиракли аравачалар совға қилинди, Самонийлар боғида кам даромадли оилаларнинг фарзанди бўлган 21 боланинг суннат тўйи ўтказилди, тўйболаларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Челак тумани ҳокимлиги диққатига

Энди ўйингоҳда спортчилар ўрнига... эчкилар беллашяпти

Бундан уч йил аввал Челак туманидаги Деҳқонобод хўжалигида спорт учун 3 таноб ер ажратилган эди. Қисқа вақтда ўйингоҳ ишга туширилди, у керакли анжомлар билан таъминланди. Натижада жамоа хўжалиги спортчилари туман мусобақаларида совринли ўринларни эгаллай бошлашди. Аммо кейинги йилларда хўжаликнинг футбол, волейбол майдонларида сигир, бузоқ, қўй, эчки, эшак ва отлар «мусобақалашмоқда». Хуллас, хўжаликда спортга эътибор сусайиб кетди.

Мен спорт соҳасида ўттиз йил хизмат қилганман. Икки йил бурун спортга масъул шахслар штати қисқартирилгани, деган баҳонада мени ҳам ишдан кетгазишганди. Хўжаликнинг айни кундаги спорт ишлари аҳволига қараб ачинаман. Бу ҳақда туманнинг «Челак тонги», вилоятнинг «Зарафшон» газеталарига ёзгандим. Лекин ҳеч бир ўзгариш бўлмади. Энди ишончимиз сизлардан.

Насим МАНСУРОВ.

• *Луқма*

«ЕТИМ» ҚОЛГАН ҚУРИЛИШ

Танаси бошқа дард билмас, дейишади. Агар бу ҳикматнинг маъзини чақишни билмасангиз Қашқадарёнинг Деҳқонободига боринг. Чилгаз қишлоғида яшовчи аҳоли ўзларига хос — деҳқончасига тушунтириб беришади.

Гап шундаки, қишлоқда Умар Хайём номли мактаб бор. Қишлоқ аҳли азберойи илмга чанқоқ бўлгаилигидан урушдан кейинги йиллар бу мактабни ҳашар йўли билан қуриб битказишган эди. Эндиликда 45 йил олдин қурилган мактаб бугунги кун талабларига жавоб беролмаяпти. «Авария ҳолатидаги мактаблар» сирасига кирувчи бу масканда ўқувчиларни бир сменада ўқитиш у ёқда турсин, синфдан ташқари машғулот ўтказишга ҳам мутлақо шароит йўқ.

Тўғри, қишлоқ аҳлининг катта-кичик идораларга югур-югурларидан сўнг 1989 йилда бу ерда янги мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Етарли маблағ ҳам ажратилди. Бироқ, сапли бўлма, эпли бўлгин дея ҳеч ким дуо қилмаган эканми, эпли бўлиш қийин кечди. Мактаб деворлари икки метрлар баландга кўтарилди-ю иш тўхтаб қолди. Ўша пайтда қурилиш бошлаган оддий бойвачча шу пайтгача уч участкасини қуриб битирди. Айни пайтда қурилиш учун келтирилган ёғочтахталар ҳам яроқсиз аҳволга тушаёзган. Кўтарилган деворлар қор-ёмғирларга дош беролмай нураб бораётир.

Мактаб қурилишини давом эттиришларини сўраб қишлоқ аҳлининг навбатдаги югур-югурлари бошланди.

— Эшик қоқиш «Боғчорбоғ» давлат хўжалиги раҳбарларига мурожаат қилишдан бошланди, — дейди район кенгаши депутати, мактаб ўқитувчиси Қ. Шаропов. — Аммо қурилишни давом эттириш учун хўжаликда маблағ йўқлиги боис раҳбар рад этди. Район ҳокимлигига қилган мурожаатларимиз ҳам натижасиз қолди. Айтишларича, мактаб қурилиши учун ҳокимиятда ҳам маблағ йўқ эмиш.

Қизиқ савол туғилади: икки миллион ҳаражат қилинган (ўша пайтда бу пулнинг қадри баланд эди) мактабни тиклаб қишлоқ аҳлининг дуосини олган маъқулми ёки шамолга совурган? Қолаверса, ўша қурилган мактабда Ўзбекистонининг эртаси — болаларимиз таълим-тарбия оладилар. «Соғлом авлод учун» қайғуриш нафақат республикамиз раҳбариятининг, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи керак.

Бу қаламга олинган муаммо қашқадарёликлар учун янгилик эмас. Бундан вилоятнинг барча нуфузли ташкилотлари раҳбарлари огоҳ. Лекин муаммони ҳал этишда ҳамма холис томошабин. Модомики, гап эртамизнинг тақдири ҳақида борар экан, вилоят раҳбарлари бир тўхтамга келишларидан, мактаб қурилишига ҳоммийлик қилувчи саховатпешалар топилишидан умидвор.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Фазилатли кишилар*

ШИФОБАХШ ҚЎЛЛАР

Қизиқ, Болгарияда донг таратган Ванга исмли башоратчининг доврўғи нафақат ўз юртида, балки бутун дунёда шуҳрат топди. Ҳатто ўзбекистонликлар ҳам ўз тақдиру дардлари ҳақида ўша башоратчига кўрсатишга аэм қилишди.

Гуржистонлик Жуна Давиташвилининг сеҳрли қўллари барчани лол қолдирди. Ундан минг-мингдаб бетоблар наф кўрди.

Бизнинг юртда бундай ноёб қобилият соҳиблари йўқми? Ахир биз Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби буюк табиб авлиёларнинг наслиданмизку! Наҳотки, бизнинг пуштимизда бу хусусият қуйиб кетган бўлса. Йўқ у мавжуд, у қуриб қолган эмас. Эл оғзига тушган Элёр Холмуҳамедов, Мадиёр Салоев каби табиб башоратчилар фаолияти бунга далил. Аслида бундай кишилар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Улар орамизда ҳамиша бор эди. Фақат биз уларни кўрмадик, эшитмадик. Хуллас, даҳрий тузум бизни шундай тарбиялади.

...Жияним Саидахон беш ёшга тўлдиямки, юришидан дарак йўқ. Бироқ, қизалоқ деворга, хонтахтага тирмашиб жуда юргиси келар, «мени етакла», деб ота-онасига ялиниб-ёлворарди. Унинг ҳолатини кўрганлар ғўдакка ачиниб кетишарди. Укам, дори-дармон қилиб, таниқли докторларга кўрсатди, аммо нафи тегмади. Йиллаб-нетиб ўтирмай яқиндагина халққа таниллиб қолган, газета-журнал, радио, телевидениеда ўз сеансларини эълон қилган экстрасенс Элёр Холмуҳамедовга мурожат қилдик. У Саидахонни самимий қарши олиб даволашни бошлаб юборди. Бир ҳафта давом этган жараён Саидахонни оёққа турғазди. Бу муолажада Элёр ака билан бир қаторда Севара Нишонхўжаеванинг ҳам хизмати беқиёс бўлди. Мана ўша бахтли дақиқа юз берганига ҳам уч йил бўлиб қолди. Кўз тегмасин, жияним боғчада энг югурадиган қизалоқлардан.

— Севарахон Нишонхўжаева туғма истеъдодли башорат қилувчи, нафаси ўткир дам ургувчи, камтар табиб, — дейди таниқли экстрасенс Элёр Холмуҳамедов. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» халқ табобати поликлиникасининг бош шифокори, халқ табиби Мадиёр Салоев Севара Нишонхўжаеванинг ноёб қобилиятини текшириб кўриб, унга ижобий баҳо берди. Табиатшунос-журналист Рустам Обидовнинг «Фан ва турмуш» журналининг 1992 йил ноябрь-декабрь сонидаги «Мулоқотчи» мақоласи фикримиз далилидир. Севарахон кўп ўқиди, ўқиганда ҳам эски китобларни, табиат ҳақидаги илмий ҳақиқатларни ўрганишга ҳаракат қилади.

...Азизахон уйқудан турибоқ, ўзини худди юз кило тош босгандек оғир ҳис қилди. Тикувчи эмасми, оёқ-қўли яхши ҳаракатда бўлиши керак... Ишда қандай машинани бошқаради... Зўрға судралиб кўчага чиқди. Тасодифан қўшниси Севарахонни учратди-ю ундан нажот сўради.

— Босимингизни аниқлайлик, лозим бўлса муолажа бераман, тузаласиз, опажон, — деди Севарахон.

Нуқтали уқалаш, силаш, дам уриш билан Азизахон уч кунда соғайиб кетди.

— Севарахондан миннатдорман, — дейди Азизахон Муҳамедова. У фақат Тошкент шаҳрида эмас, балки вилоятларда ҳам катта обрў қозонмоқда.

Севара Нишонхўжаева ҳақида қанча гапирсак оз. Унга келган мактубларидан 1-2 тасини диққатингизга ҳавола қиламиз.

«6 ёшли қизим Нигора тўсатдан оёқ-қўлларн ишламай ётиб қолди. Касалхонада аниқ бир ташхис қўя олишмади. Болалар аравачасига солиб, беш марта Севарахонга олиб келдим. Охирги сафар қизим ўз оёқлари билан уйга қайтди».

Шоҳида ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар, Омонгелди 2-тор кўчаси, 5-уй.

«Севара опамнинг олдига юрак сиқилиши, бош оғриғи билан келган эдим. Уч-тўрт марта келганимдан сўнг мени қийнаётган дардлар ўз-ўзидан йўқолди».

Зулфия ҲАКИМОВА,
Эллиққалъа тумани, «Дўстлик» жамоа хўжалиги.

Мактубларнинг барчасини ўқиб улгуролмаймиз. Андижонлик Нафиса, қўқонлик Анвар, навоийлик Жалолиддин... Ноёб хислат эгаси Севара Нишонхўжаеванинг шифобахш қўлу нафасини Оллоҳнинг ўзи қўлласин.

Арофат НОСИРОВА.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 июндаги "Ўзбекистон Республикасида асосий фондларни (маблағлар) қайта баҳолаш тўғрисида"ги № 261 Қарорига асосан мулкчилик тизимининг барча формасидаги ташкилот ва корхоналар ўз балансларидаги 1993 йилнинг 1 апрелигача бўлган фондларни (маблағлар) қайта баҳолашлари шарт.
Ўзбекистон Республикасида асосий фондларни қайта баҳолаш тартиби ва қайта баҳолаш коэффициенти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси ва Давлат мулкини бошқариш Қўмитаси томонидан тасдиқланган.
Қайта баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларни 1993 йил 1 сентябрдан кечиктирмаган ҳолда корхона ва ташкилотлар жойлашган ҳудудлардаги статистика органларига топширилсин.

Маълумот учун Тошкентдаги телефонлар: 67-23-67, 67-85-79

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутати

Кожаниёз Режепович РЕЖЕПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси «Чўлпон» нашриётининг директори Нурали Қобул (Ҳолбўтаев)га отаси

Ҳолбўта Қобулович ҚОБУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси «НАВРУЗ» хайрия жамғармаси жамоаси марказий аппарат ходими—бадиий раҳбар Муҳаммаджон Шокировга отаси

Зиёмиддин ШОКИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби ВОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миражмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пирямқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев, навбатчи — Ғ. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—496. 96096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди: 21.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6